14 АПР 1993

*Халқ зиёлилари рўзномаси*

# Маърифат

معرفت

MARİFAT

*1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган*

1993 ЙИЛ 3 АПРЕЛЬ, ШАНБА

№ 23 (6534).
Баҳоси 5 сўм.





### ТУРКИЯ БИЛАН ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР АМАЛДА

Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қатори тан олган ва ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини тобора кенгайтириб, амалда намоён этаётган мамлакатлардан биридир. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Туркияда бўлиши, Туркия давлати раҳбарларининг Ўзбекистонда бўлиши туфайли қабул қилинган ҳужжатлар асосида ҳар икки мамлакат ўртасида иқтисодий, маданий, маърифий алоқалар ривожланиб бораяпти. Буни ҳар икки мамлакат маорифчилари ўртасидаги муносабатларда ҳам яққол кўриш мумкин. Бугунги кунда ўзбекистонлик ёшлар Туркия ўқув юртларида таълим олмоқдалар. Ўзбекистонда эса Туркиянинг Силм ширкати 7 та шаҳарда очган лицейларда ёшлар билимдон ва юқори малакали мутахассислардан сабоқ олмоқдалар. Бу лицейларда дарслар турк, ўзбек, инглиз тилларида олиб борилаётир.

Тошкентдаги турк лицейининг очилиши ҳам маориф соҳасидаги дўстона алоқаларнинг чинакам кўзгуси бўлди. Ўқув юртида ўғил-қизларнинг пухта ихтисос эгаллаши, тилларни ўрганиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Бу ишда туркиялик мутахассислар ҳам астойдил шуғулланмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: билим маскани ҳовлисида эрталабки йиғилиш ҳамда турк лицейи директори Рушди Зор ўқитувчилар билан суҳбатлашаётган пайт тасвирланган.

Сураткаш Р. АЛЬБЕКОВ.

---

*БИЗНИНГ СУҲБАТ*

## КИЧКИНТОЙЛАР ЎКСИМАЙДИ

**Бозор иқтисоди... Ижтимоий ҳаётимизни тубдан ўзгартириб бораётган бу яшаш тарзини ҳали тўлиқ ўрганиб, ўзлаштира олганимиз йўқ. Лекин у турмушимизнинг барча жабҳаси, жумладан болалар боғчаларига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.**

**Республикамиздаги корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларга қарашли боғчалар ёпиб қўйилмоқда. Боғча биноларни эса турли идораларга, ширкатларга бериб юборилаётир. Бу ҳол кўпчилик қатори халқ таълими ходимларини ҳам қаттиқ ташвишлантирмоқда. Мухбиримиз шу муносабат билан республика халқ таълими вазири муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Қаюмович Йўлдошев билан суҳбатлашди.**

**Мухбир: — Ҳамидулла Қаюмович, идораларга қарашли боғчаларнинг ёпиб қўйилиши сабабларини изоҳлаб берсангиз?**

Ҳамидулла Йўлдошев. — Бу масала бугунги кунда долзарб вазифа бўлиб турибди. Муаммони ҳал қилиш мақсадида ёрдам сўраб Тошкент ҳокими Адҳамбек Иброҳимович Фозилбековга мурожаат қилдик. Ҳоким топшириғига биноан масала атрофлича ўрганиб чиқилди. Ва шу нарса маълум бўлдики, боғчалар ёпилишининг асл сабаби — иқтисодий танглик.

Ўз боғчаларига эга бўлган идоралар моддий жиҳатдан ўзларини ўзлари қоплай олмай қолдилар. Бу эса шу идораларга қарашли мактабгача тарбия муассасаларига ҳам таъсир этди. Гап шундаки, иқтисодий ночорликни бартараф этиш ниятида кўпчилик идоралар боғчаларга ота-оналар томонидан тўланадиган «боғча пули»ни кескин равишда ошириб қўйдилар. Болалари шундай боғчаларга қатнайдиган, аммо бошқа жойларда ишлайдиган ота-оналар учун тўлов пули миқдори, айниқса, кўпайиб кетди.

**М: — Бундан чиқди, идораларга қарашли боғчаларга ота-онаси бошқа ташкилотда ишлайдиган болалар ҳам қабул қилинар экан-да. Бунга рухсат борми?**

Ҳ. Й.: — Ҳа, оталиқ ташкилотларининг боғчаларига ота-онаси шу ерда ишламаса ҳам 20 фоиз кичкинтой қабул қилинишига рухсат берилган.

**М: — Ҳамидулла Қаюмович, бунинг маъноси нима? Нега ота-онаси бошқа жойларда ишлайдиган болалар бу боғчаларга қабул қилинган? Бу Халқ таълими вазирлигига қарашли, давлат бюджетидаги ясли-боғчалар болаларни тўлиқ қамраб олиш имкониятига эга эмаслиги билан изоҳланадими?**

Ҳ. Й.: — Тўғри, боғчаларимиз кўп. Аммо очиғини айтганда, ҳали боғчаларга тортилмаган 50 фоиз болакайларимиз кўча чангитиб юришибди. Ҳар бир туман халқ таълими мактабгача тарбия бўлимини бир кўздан кечиринг, қанчадан-қанча болалар боғчаларга жойлашиш учун навбатда туришибди. Мана шу аҳволнинг ўзи идоралар қарамоғидаги боғчаларни сақлаб қолишни тақозо этмоқда.

Ҳолбуки идораларга қарашли боғчаларда тўлов пули ошиб кетганлиги боис моддий жиҳатдан қийналаётган ота-оналар ўз нури дийдаларини давлат қарамоғидаги боғчаларга олиб келишаётир. Чунки бюджетдаги боғчаларда болани боқиш учун тўланадиган ҳақ 13—15 сўмнигина ташкил этади.

**М: — Идораларга қарашли боғчаларда тўлов ҳақи неча сўм?**

Ҳ. Й.: — Кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Мирзо Улуғбек туманидаги трактор заводида ишлайдиган ишчи ёки хизматчи боласи учун боғчага ҳар ой 300 сўм тўласа, бошқа ташкилотларда ишлайдиган ота-она учун эса бу миқдор 450 сўмдан белгиланган. Миробод туманидаги «Қизил тонг» фирмасида ишлайдиган ота-она 240 сўм, бошқа ота-она эса боласи учун боғчага ойига 500 сўм тўлайди.

Бу эса ўз-ўзидан иқтисодий тақчил замонда ота-онани боғчадан бездириб қўймоқда. Болалар олиб келинмагач эса, баъзи ташкилотлар маъмуриятлар боғчаларни ёпиб қўйишаётир.

**М: — Ҳамидулла Қаюмович, ҳали «Боғчага жойлаштириш учун навбатда турган болалар кўп», деб айтдингиз. Демак, идоралар қарамоғидаги боғчалар болалари ҳам сизларнинг ихтиёрингиздаги муассасаларга ўтказилаётган экан, бу ишни чигаллаштириб юбормаяптими?**

Ҳ. Й.: — Тўғри, айтдингиз. Осон бўлмаяпти. Бунинг устига идоралар маъмурияти биз билан ҳисоблашиб ўтирмай, боғча биноларини турли идоралар ва ширкатларга бериб юборишаётир. Бундай ҳаракат масалани юзаки ҳал қилишдан бошқа нарса эмас. Албатта, биз қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбековнинг 1993 йил 8 мартдаги фармойиши, айтиш мумкинки, елиб-югуришларимиз натижаси бўлди. Бир истагим, мазкур фармойишни «Маърифат» газетаси саҳифаларида эълон қилсаларингиз. Республикамиздаги бошқа вилоят, шаҳар ҳокимлари ҳам Тошкент шаҳар ҳокимияти фаолиятидан ўрнак олиб, ишни шу тарзда ҳал қилишда халқ таълими ходимларига кўмаклашишса, нур устига аъло нур бўлур эди.

**М: — Мумкин бўлса, Тошкент шаҳар ҳокими фармойишини шарҳлаб берсангиз.**

Ҳ. Й.: — Фармойиш «Идораларга қарашли мактабгача тарбия муассасаларида болаларни боқиш учун тўланадиган ҳақларни тартибга солиш тўғрисида» деб номланади.

Фуқароларнинг ижтимоий тенг ҳуқуқлигини ҳимоя қилиш мақсадида фармойишда жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб идораларга қарашли барча мактабгача тарбия муассасаларида болаларни боқиш учун тўланадиган ҳақни бюджетдаги муассасаларга тўланадиган ҳақдан оширмаслик белгиланган.

Шунингдек, мактабгача тарбия муассасаларига эга бўлган бирлашмалар, ташкилотлар, идоралар раҳбарлари ота-оналари қаерда ишлашларидан қатъи назар барча болаларни боқиш учун ягона ҳақ тўлашлари қатъий қилиб қўйилган.

Энг муҳими, мактабгача тарбия муассасалари мавжуд бўлган ташкилотлар ва идоралар раҳбарларига бу муассасаларни шаҳар ҳокимияти ижтимоий сиёсат мажмуаси комиссияси қарорисиз бошқа мақсадларда ишлатиш учун бериб юборишга қатъиян ман этилган. Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш эса шаҳар ҳокимининг муовини ва туман ҳокимлари зиммасига юклатилган.

**М. — Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат, Ҳамидулла Қаюмович. Ўйлаймизки, жумҳуриятимиздаги вилоят, шаҳар, туман ҳокимиятлари ҳам Тошкент шаҳар ҳокимияти бошлаган хайрли ишдан рағбат олиб, кичкинтойларимиз учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб берадилар.**

Суҳбатдош
Шарофат ИСКАНДАР қизи.

---

ШАНБА — ЧОР — ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ:

### ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

**Мустақил республикамизнинг чет мамлакатлар билан иқтисодий, маданий алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Куни кеча серқуёш Ўзбекистонга келган Малайзия Бош вазири Маҳатҳир бин Муҳаммад бошлиқ ҳукумат делегациясининг республикамиз раҳбарлари билан олиб борган музокаралари давомида ҳам бу яққол намоён бўлди.**

**1 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Малайзия Бош вазири Маҳатҳир бин Муҳаммад бошлиқ ҳукумат делегациясини қабул қилди. Бўлиб ўтган самимий суҳбат чоғида ҳар икки мамлакат ўртасида савдо; иқтисодий, маданий ва илмий алоқаларни ривожлантириш хусусида фикр юритилди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Малайзия Бош вазири Маҳатҳир бин Муҳаммад оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам учрашиб, мухбирларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ҳам Ўзбекистон — Малайзия делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдуҳошим Муталов ва Малайзия Бош вазири Маҳатҳир бин Муҳаммад бошчилик қилган делегацияларнинг музокарларидан сўнг дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон ва Малайзия ишбилармонлари биргаликда нефть конларини қидириб топиш ва қайта ишлаш, ёғ ишлаб чиқариш соҳаларида қўшма корхоналар қуриш юзасидан аҳдлашувга эришилди. Томонлар маданий, илмий-техник алоқаларни ривожлантириш, ҳамда мутахассислар алмашиш ва тайёрлаш, бошланғич таълим, нақлиёт ва сайру саёҳат соҳаларида ҳам ҳамкорлик қилиш истиқболларини белгилаб олдилар.**

**Малайзиялик меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини, музейларини, бир қатор ишлаб чиқариш корхоналарини, даволаш муассасаларини бориб кўрдилар.**

### ЖУРНАЛИСТЛАР ПЛЕНУМИ

**Ўзбекистон журналистлари уюшмасининг пленуми бўлиб ўтди. Унда республика Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» ҳамда «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисоласида баён этилган фикрлар асосида журналистлар олдида турган вазифалар муҳокама қилинди. Уюшма бошқаруви раиси Лутфулла Кабиров шу мавзуда маъруза қилди.**

**Маърузачи ва мунозарада сўзга чиққанлар бу рисолалар матбуотнинг республика ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини халққа етказиш борасидаги хизматига юқори баҳо берилганини қайд этдилар. Журналистлар ана шу юксак ишончга муносиб фаолият кўрсатиш учун ҳаракат қилажаклари таъкидланди.**

**Пленум қатнашчилари бозор иқтисодига ўтиш жараёнида қалам аҳлини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларни қўллаб-қувватладилар.**

**Анжуманда 1992 йилнинг энг яхши журналистика асари танлови, шунингдек, республика мустақиллигига бағишланган кўрик ғолибларига мукофот ва дипломлар топширилди.**

### ҲЕЙНЕ ВАТАНИГА ЙЎЛ

**Олти соатда енгил машинада Тошкентдан Бухорога борса бўлади. Самолётда эса шунча вақтда Франкфрут-Майн шаҳрига сафар қилиш мумкин. Ўзбекистон ҳаво йўллари авиакомпанияси жумҳуриятимиз аҳолисига ана шундай имконият яратди.**

**Германиянинг марказида жойлашган Франкфурт-Майн шаҳрига парвоз қилган Ил-62М ҳаво кемасида илк бор мутахассислар ва журналистлар сафар қилишди. Шундай қилиб, Ўзбекистон ҳаво йўли орқали ўнинчи давлат билан боғланди.**

---

ХУШНУД ХАБАРЛАР

### СОҒЛОМ БОЛАДА — СОҒЛОМ ФИКР...

Республика Ўқитувчилар уйи ҳар кунгидан ҳам гавжум ва шукуҳли бўлди. Миллий ифтихоримиз — карнай-сурнай садолари катта тўй, тантана бошланаётганидан дарак берди.

Залга йиғилганларнинг барчаси ўринларидан туриб «Ўзбекистон Давлат мадҳиясини ижро этдилар. Бошловчи қиз «Мактабгача тарбия» журналининг бир йиллик қутлуғ тўйи нишонланаётганини эълон қилди. Дастлабки табрик сўзни республика халқ таълими вазири Жўра Ғаниевич Йўлдошев бошлаб берди.

— Фарзандларимизга миллий ғурур, миллий ифтихор ҳисларини сингдиришимиз жоиз. Бундай улуғ ишда фидойилик кўрсатиб ишлаётган ташаббускор кишиларни кўплар орасидан илғаб олиш ва уларни педагогик матбуот саҳифаларида кенг тарғиб этиш, маънавий рағбатлантириш зарур. Зеро, бундай олижаноб кишилар келгусимиз ворис бўлмиш болаларимизни эзгулик йўлида тарбиялашдек муқаддас ишга масъулдирлар, — дейди вазир.

Журнал бош муҳаррири, таниқли фольклоршунос олим Муҳаммадали Қўшмоқов таҳририят жамоаси қилаётган ишлар тўғрисида гапириб берди.

— «Мактабгача тарбия» журналини эндигина дунёга келган соғлом гўдакка қиёслайман. Соғлом болада соғлом фикр бўлади. Соғлом фикр эгалари эса эртанги кунда жамиятимиз бешигини тебратади, — деди Низомий номли педагогика институти ректори Комил Юсупов.

Йиғилишда сўзга чиққан Ойдин Ҳожиева, Турсунбой Адамбоев сингари шоирлар шеърлар ўқидилар.

Яқингинада шу ерда «Бошланғич таълим» журнали ўз тўйини ўтказди. Энди эса «Мактабгача тарбия» журнали байрам қилмоқда. 1-сентябрь Мустақиллик кунига қадар бошқа педагогик газета ва журналлари ижодий жамоалари билан ҳам бу ерда қутлуғ тантаналарда учрашишни режалаштирамиз, — деди анжуманни якунлаб республика халқ таълими вазири муовини Б. Қодиров.

Мухбиримиз.

---

# ҒОЛИБ ЎҚУВЧИЛАР—СТУДЕНТ!

ОЛИМПИАДА—93



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йилнинг 5-февралида «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш тўғрисида» чиқарган Фармонда мактаб ўқувчиларининг республика олимпиадалари, конкурслари ва мусобақаларини ўтказиш кераклиги таъкидланганди. Ғолибларга эса пул мукофотлари ҳамда олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз, тест синовларидан ўтказилмай қабул қилиниш ҳуқуқини бериш айтилган эди.**

**Албатта, туман, вилоят миқёсида ўтказилган беллашувларда қўли баланд келганлар орасида фахрли ўринларни эгаллаш анча мушкул иш бўлса-да, саралов ҳам шунга яраша-да. Тасаввур қилинг, сиз мактаб ўқувчиси бўла туриб, институт талабаси ҳам ҳисобланасиз.**

**26 март куни Тошкент вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти биносида Ўзбекистон Республикаси Адлия ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ўтказилган «Ёш ҳуқуқшунос» 1-республика олимпиадаси мақсади ҳам ҳуқуқ соҳаси иштиёқмандларини аниқлаб, улар истиқболи учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлди.**

**— Илк бор ўтказилаётган бу тадбир нафақат биз билан Халқ таълими вазирлиги ўртасидаги ҳамкорликнинг, балки мустақил Ўзбекистонимизнинг ўз эрки, ўз қўлида эканлигининг бир мўъжазгина нишонаси ҳамдир, — деди Республика адлия вазирининг биринчи ўринбосари Мирзо Улуғбек Абдусаломов. Давлатимиз ҳар томонлама эркин ривожланишга ўтган бир даврда ҳуқуқшунослик соҳасида ҳам етук мутахассисларга эҳтиёж сезилиб қолди. Биз уларни ёшлигиданоқ аниқлаб, келажакда тўлақонли ҳуқуқ—тартибот ҳимоячиси бўлиб етишишга кўмаклашувимиз керак.**

**Мазкур олимпиадага жумҳурият вилоятларидан ҳамда Қорақалпоғистон республикасидан 82 нафар ўқувчи иштирок этиш учун келган. Улар орасида 11-синф ўқувчилари 29 нафарни ташкил этади. Беллашув дастурига биноан, аввало, ўқувчилар тестлар асосида ёзма иш топширишди. Ундаги саволлар давлатчилик, ҳуқуқий давлат тушунчаси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси каби мавзуларда бўлди.**

**Илгари олимпиада иштирокчиларига берилган реферат ишлари мавзулари асосида тайёрлаб келинган уй вазифалари ҳам ҳакамлар ҳайъати томонидан чуқур ўрганилиб, муносиб баҳоланди. Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институти ректори Анвар Аъзамхўжаев (раис), Жаҳон муаммолари институти директори Акмал Саидов (муовин), Мирзо Улуғбек Абдусаломов (муовин) ва яна бир қанча аъзолардан иборат ҳакамлар ҳайъати уч кун давомида саралар ичидан сараларини аниқлаш билан банд бўлишди.**

**Ва, ниҳоят, орзиқиб кутилган лаҳзалар яқин қолди. Олимпиада якунларини билиш учун тўпланганлар бетоқатлик билан ҳакамларни кутишарди. Барчанинг кўнглида ҳаяжон. Албатта, ҳамма ҳам ўзининг ғолиб деб аталишини хоҳлайди. Бироқ, беллашув бўлгандан кейин ғолиб ҳам, мағлуб ҳам бўлиши шартлиги билан муроса қилмай илож йўқ. А. Аъзамхўжаев сўз олиб, М. Абдусаломовдан олимпиада натижаларини ўқиб эшиттиришни илтимос қилганда ҳамманинг вужуди қулоққа айланди...**

**Шундай қилиб, 11-синфлар ўртасида Ангрен шаҳридаги 6-мактаб ўқувчиси Руслан Магдеев (муаллими В. Костецкий) 1 ўринни эгаллади. Унга 5370 сўм пул мукофоти берилди. Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Огаҳий номли лицей ўқувчиси Бобохон Ҳамидов (муаллими Шавкат Қобулов) II ўринни олди. Унга 3580 сўм берилди. III ўрин эса Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 23-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Маъмурахон Исмоиловага (муаллимаси Дилбархон Жонузоқова) насиб этди. Унга 1790 сўм миқдорида пул мукафоти берилди. Шу билан биргаликда, учала ғолибга ҳам Тошкент ҳуқуқшунослик институтига кириш имтиҳонларсиз, тест синовларисиз қабул қилиниш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, 9—10-синфлар ҳамда ҲТБЮлар ўқувчилари ўртасида ғолиб чиққанларга ҳам турли хил қимматбаҳо совғалар ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилди. Уларнинг айримларига Тошкент ҳуқуқшунослик коллежига синовларсиз қабул қилиниш ҳуқуқи ҳам берилди.**

**Тантаналардан сўнг республика олимпиадаси ғолиблари — студентлик ҳуқуқини қўлга киритган мактаб ўқувчилари билан қисқагина суҳбат қилдим:**

**Р. Магдеев: — Олимпиаданинг ташкил этилиши, албатта, биз ёшларнинг илмга бўлган интилишларимизни янада жадаллаштиришга ва уни рағбатлантиришга хизмат қиладиган бир тадбир бўлди. Энди, ютуғим хусусида гапирсам, буни мен бир бошланғич нуқта деб биламан. Келгусида биз ёшларга кўз тикиб турган қанчадан-қанча юмушлар бор.**

**Б. Ҳамидов: — Нима ҳам дердим, туман, вилоят миқёсида ўтказилган олимпиадаларда ғолиб чиқиб, республикага келган ўқувчилар орасида беллашиш мушкул иш экан. Меҳнатимни шу имтиёзга лойиқ топишибдими, бу мендан янада масъулиятлироқ бўлишни талаб этади.**

Абдусамат РАҲИМОВ,
махсус мухбиримиз.



СУРАТДА: олимпиада синовларидан лавҳалар.
Р. АЛЬБЕКОВ ва М. АМИН тасвирлари.

# ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАҲЛДОР МУАММО

**Газетамизда хабар берганимиздек, шу йил 26 мартда Қизил Ўрда шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол бўйидаги экологик тангликни бартараф этиш, унинг бугунги кундаги мураккаб ва долзарб, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш масалаларига бағишланган анжумани бўлиб ўтди. Йиғилишда кўп қиррали масалалар бир-бири билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилди. Жумҳуриятлар раҳбарлари Орол денгизини асраш бўйича ишлаб чиқилган Битимни имзоладилар.**

**Бу тарихий анжуманда Ўзбекистон делгацияси сафида Оролни асраш Республика қўмитасининг раиси Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ ҳам қатнашди. Қуйида унинг мухбиримиз билан анжуман якунларига бағишланган суҳбатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

**— Орол бўйидаги экологик тангликни бартараф этиш муаммолари масаласида ўтказилган Қизил Ўрдадаги анжуман тарихий муҳим воқеа сифатида қайд этилди. Ана шуни қисқача шарҳлаб берсангиз.**

— Орол муаммоси бугунги кунда туғилгани йўқ. У кўпдан бери мавжуд. Бу масала билан илгаридан шуғулланиб келинган. Собиқ СССР мавжудлигида ер, сув, ҳаво муаммолари билан шуғулланадиган марказий ташкилот мавжуд эди. Иттифоқ тарқалиши муносабати билан бу ташкилот ҳам фаолиятини тўхтатди. Натижада экологик муаммолар билан, шу жумладан, Орол масалалари билан ҳар бир республика якка ҳолда шуғуллана бошлади. Уларнинг фаолиятларини бирлаштирадиган ташкилот зарур бўлиб қолди. Ана шу маънода Қозоғистон Республикасининг Қизил Ўрда шаҳрида ўтказилган йиғилиш муҳим тарихий воқеа бўлди, деб айтиш мумкин. Бу йиғилишда Орол бўйидаги экологик тангликни ҳар томонлама кўриб чиқилди ва уни ҳал этишда биргалашиб ҳаракат қилиш тўғрисида келишиб олинди.

**— Йиғилишда асосан қандай масалаларга эътибор қаратилди?**

— Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Қизил Ўрдадаги йиғилишида Орол муаммоларини ҳал этишнинг маълум дастури ишлаб чиқилди, деб айтиш мумкин. Бу, аввало, ташкилий масалани кўриб чиқишда яққол кўзга ташланди. Марказий Осиё давлатлари кучларини бирлаштирадиган ташкилот — Халқаро Орол фонди тузилди. Бу фонд раиси этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифи билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Халқаро Орол фондининг Президенти этиб сайланди. Орол фонди дастурига кўра, ҳар бир республика ўз миллий даромадининг 1 фоизини ажратади.

**— Фонднинг ҳаракат дастури ҳақида ҳам анжуманда маълум тадбирлар ишлаб чиқилдими? Бу ҳақдаги кўзда тутилган режалар нималардан иборат?**

— Анжуманда Халқаро Орол фонди ҳаракат қилиши учун амалий тадбирлар ишлаб чиқиш, яъни ягона концепция тайёрлашга келишиб олинди. Маълумки, шу кунга қадар бундай концепцияларнинг 300 га яқин хомаки лойиҳалари мавжуд эди. Бироқ бу лойиҳаларнинг бирортаси ҳам тўлалигича кенг жамоатчилик, илмий ташкилотлар ва олимлар эътиборини қозонмади. Худди шунинг учун ҳам анжуманда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари шу йилнинг август ойига қадар ягона концепция ишлаб чиқилишини лозим деб топдилар. Ана шу концепцияда белгилаган тадбирлар бўйича Халқаро Орол фондининг маблағлари сарфланади.

**— Анжуманнинг сиёсий моҳияти ҳақида ҳам матбуотда яхши фикрлар билдирилмоқда. Шу хусусда Сизнинг ҳам фикр-мулоҳазаларингизни билишни истардик.**

— Шу кунга қадар кенг жамоатчилик, илмий муассасалар жамоалари, кўпгина мутахассислар Оролнинг экологик танглиги ҳақида сўз юритганда кўпроқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда иқтисодий масалаларда баҳслашардилар. Орол муаммоси сиёсий масала сифатида биринчи бор мазкур конференцияда жиддий қилиб қўйилди.

Бу ўринда мен яна бир масала ҳақида тўхталмоқчиман. Илгари Россия Федерацияси ҳукумати Орол муаммоларини ҳал қилишда кенг ҳуқуқли субъект сифатида қатнашиш истагида эди. Қизил Ўрда йиғилишида эса Россия Федерацияси Бош вазирининг ўринбосари А. Хижа кузатувчи сифатида қатнашиш таклифини билдирди ва шу тариқа иштирок этди. Бу ҳодисани қандай баҳолаш керак? Гап шундаки, Орол денгизининг бугунги аҳволга келиб қолишига сабаб бўлган асосий нарса Ўрта Осиё республикаларида, шу жумладан, асосан Ўзбекистонда пахта етиштиришни Марказ талаби билан кескин кўпайтириш бўлди. Етиштирилган пахтанинг асосий қисми Россия Федерациясига етказиб берилди. Бундай ёндашиш туфайли вужудга келган тангликни ҳал этишда эндиликда ўзини четга олиб туришни қандай тушуниш мумкин?

**— Қизил Ўрда анжуманида имзоланган Битим ҳақида, унда кўзда тутилган айрим масалалар тўғрисида газетхонларимизга маълум қилсангиз.**

— Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Қизил Ўрда анжуманида имзолаган Битим ўн йил муддатга тузилган. Унда асосан Орол бўйидаги миллионлаб аҳолининг соғлиғини тиклаш, Марказий Осиё мамлакатларида сувни тежашнинг янги технологиясидан фойдаланиш, мавжуд сув иншоотларини қайтадан кўриб чиқиш каби комплекс масалалар ўз ифодасини топган. Бу катта тадбирларни амалга оширишда Марказий Осиё давлатларининг ўз кучлари етмаслиги мумкин. Шу туфайли халқаро ташкилотларни бу масалаларга эътибори жалб этиш зарур, деб топилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, Осиё давлатларининг эътиборини Орол танглигини ҳал этишга қаратиш ҳам муҳимдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолийга учрашув иштирокчилари — Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон номидан мактуб йўллашнинг мақсади ҳам худди ана шудир.

Яна бир масалани қайд этмоқчиман. Халқаро фонднинг маблағидан катта қисми ёш авлод саломатлиги ва сарфланади. Орол бўйидаги аҳоли фарзандларининг саломатлиги, ўқиши, турмуш тарзи яхшиланиши учун комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Зотан, Орол муаммоси Ватан тақдирига тўла даҳлдорлиги ҳам ана шундадир.

**Суҳбатдош М. РАҲМОНОВ.**

# «ЎЗБЕК ТИЛИ» ДОИМИЙ АНЖУМАНИ СИЗНИ КУТАДИ

Она тили таълими ўзининг кўп қиррали мақсади билан умумий таълим фанлари ичида алоҳида аҳамият касб этади. Она тили таълими пировард натижада имло жиҳатдан саводхон, оғзаки ва ёзма нутқи равон, ижодий фикрлай оладиган ўқувчиларни тарбиялаб бериши зарур.

Мустақил республика, миллий таълим мақсадлари, «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида она тили таълими мазмунини тубдан янгилаш, замонавий, ўзига хос ўқув-методик адабиётлар мажмуасини яратиш, мавжудларини такомиллаштириш давр талабидир.

Ушбу талаб ва эҳтиёжлар инобатга олинган ҳолда маълум ишлар амалга оширилмоқда. Шундай хайрли юмушлардан бири «Ўзбек тилини ўрганиш ва ўқитишни қайта қуриш ҳамда такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-методик анжуманининг таъсис этилишидир.

Маълумки, ушбу анжуманнинг биринчи йиғини 1991 йил апрель ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиб, унда «Индуктив», «Ижод», «Таълим», «Ўқитувчи» рамзли муқобил дастурлар муҳокама қилинган эди. Мазкур анжуманнинг иккинчи йиғини 1993 йил 8—9 апрель кунлари Қарши давлат университети замирида ўтказилади. Айни пайтда Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳузурида вазир (Халқ таълими) Ж. Ғ. Йўлдошев раҳбарлигидаги фаол гуруҳ; Қаршида Қашқадарё вилояти ҳокими муовини О. Д. Пармонов раислигидаги ташкилий қўмита анжуманни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ ишларни амалга оширмоқда.

Анжуман «Мактабгача тарбия муассасалари ва бошланғич таълим мактабларида она тили», «Умумий таълим мактабларида она тили», «Олий таълимда она тили», «Таълим бўғинларида эски ўзбек ёзуви», «Ҳунар-техника ва педагогика билим юртларида она тили», «Таълим рус тилида олиб бориладиган муассасаларда ўзбек тили» ўқитилиши бўйича шўъбаларда иш олиб боради. Айни пайтда халқ таълимининг юқорида қайд этилган бўғинларида давлат тилини ўқитиш мазмунини янгилаш, эски ўзбек ёзуви таълимини такомиллаштиришга оид 200 дан ошиқ маъруза тезислари таҳрирдан чиқарилиб, рисола тарзида чоп этилмоқда.

Анжуман муҳокамасига қўйилган масала бўйича «Она тили таълими мазмунини янгилаш асослари» (муаллифлар: А. Ғуломов, Ҳ. Неъматов) қўлланмаси тайёрланди. Қўлланмада «Она тилидан таълим мазмунини янгилаш мажмуаси» ва «Она тилидан зарурий билимлар силсиласи» боблари бўйича фикр юритилади.

Бинобарин, умумий таълим мактабларининг 9 йиллик ўқув тизимига ўтиши муносабати билан таълим бўғинларида она тилини қандай ўқитиш ва нимани ўқитиш масаласи бўйича анжуман ўз тавсияларини бериши зарур. Бунда асосий эътибор тил ҳодисаларини ўқувчининг ижодий фикрлаши, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, талаффуз, имло ва ишорат саводхонлигини таркиб топтиришга қаратилади.

Анжуман иштирокчилари диққатини яна қуйидаги масалаларга қаратмоқчимиз. «Ўбек тили» Доимий анжумани биринчи йиғинида «Ииндуктив», «Ижод», «Таълим», «Ўқитувчи» рамзли муқобил дастурлар қисман муҳокама қилинган, бироқ билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида бир тўхтамга келинмаган эди. Шу муносабат билан «Ўзбек тили» Доимий анжуманига вакил этиб сайланган ўқитувчилар ва тил мутахассисларининг юқорида қайд этилган муқобил дастурлар, амалдаги дастур ва дарсликлар, шунингдек, 1993 йилда чоп этилган янги «Она тили» дарсликлари (муаллифлар: А. Ҳожиев, А. Нурмонов, М. Аҳмедов, А. Орифжонов) юзасидан фикр-мулоҳазалар билан фаол иштирок этиши сўралади.

Умуман, «Ўзбек тили» Доимий анжуманининг таъсис этилиши ва унинг фаолият кўрсатаётгани она тили таълими методикасини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштирувчи бир марказ бўлиб, мазкур таълим билан боғлиқ барча масала ва муаммоларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда тегишли ҳисса қўшмоқда.

Халқ таълими бўғинларида фаолият кўрсатаётган барча ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларини, тил мутахассисларини анжуман муҳокамасига қўйилган масала бўйича фаол қатнашишга даъват этамиз.

**М. АБДУРАИМОВА,**
**РЎММ бош методисти, педагогика фанлари номзоди.**



**Уйчи тумани «Иттифоқ» маҳалла комитетининг раиси Ҳасан Мадиёров ташаббуси билан болалар боғчалари ишига катта эътибор берилаётир. 150 ўринли боғчани ишга туширишда, Моҳира Қирғизова хонадонида очилган уй-боғчани ташкил этишда ҳам Ҳ. Мадиёровнинг хизматлари катта бўлди.**

**СУРАТДА: уй-боғча ҳаётидан лавҳалар.**



# ЭСКИ ҚОЛИПДАН ЧИҚИШ МУМКИН

Бугун таълимнинг барча бўғинларида она тилининг ўқитилиши мазмунан янгилашга муҳтож. Ҳозирча бу фанни ўқитишда эски қолиплардан чиқиб кетишга жиддий ҳаракат қилинаётган бўлса, ўнгланиш жараёни ғоят суст ва қийин кечмоқда. Бу соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Улардан айримларини келтириб ўтаман.

Мактаблар учун яратилган муқобил дастурларнинг барчаси тез фурсатда мактабларда синаб кўрилиши ва тегишли таҳрирлар киритилиши, шу тариқа ягона мукаммал дастурга эришилиши лозим.

Боғча ва бошланғич синфларда грамматика ўқитилиши айни ҳозирги тарзида керак ёки керак эмаслигини бир ёқли қилиш зарур. Биргина тўртинчи синфнинг «Она тили» дарслиги олиб кўрилса, унда грамматика ҳижжалаб берилганлиги, фақат грамматик шаклга эътибор қилиниб, маъно-мазмун масаласи диққатдан четда эканлиги кишини ранжитади.

Мактабдаги она тили таълимининг бош мақсади саводхонлик, саводли оғзаки ва ёзма нутқ, фикрни лўнда ва фавқулодда мувофиқ шаклда ифодалай олиш малакасини таркиб топтиришдан иборат бўлмоғи зарур. Бу таълимда ҳозиргидай «Грамматика грамматика учун» эмас, балки «Грамматика фикрнинг аниқ ва лўнда ифодаси учун» шиори асос бўлмоғи керак.

Грамматик талқинларда русча қолиплардан чиқиш, ўзбек тилининг мутлақо ўз табиатига мувофиқ ҳодисаларни тушунтириш лозим. Масалан, «негиз» тушунчаси туркий тиллар учун аҳамиятли эмас, у билан ўқувчилар бошини қотириш кераксиз иш. Ёки «қисқартма сўз» ўзбек тили табиатига ёт, сифат ва равишни фарқлаш флектив тиллар учун зарурат, урғу ўзбек тилида рус тилидагидан фарқли, шундай экан, таъриф икки хил бўлиши керак ва ҳоказо.

Грамматик қоидаларни ёдлашдан воз кечиш, ижодий тафаккур тарзини шакллантириш, дарсликлардаги машқларни ижодий фикрлаш малакасини юзага келтиришга қаратиш мақсадга мувофиқ. Машқларда ва, умуман, ўқитишда шаклнинг маъносини эмас, маънонинг мувофиқ шаклини излаш бош тамойил бўлиши керак. Акс ҳолда она тили дарслари бари-бир ўта зериқарли машғулотга айланаверади.

Ҳозирги кунда имло муаммоси мактабдаги қийин ва чигал муаммолардан биридир. Мактабдаги имловий ҳар хилликлар бартараф қилиниши, ягона имло қоидаларининг амал қилишига эришмоқ зарур.

Умуман, она тили таълимида «тирик тил» ўрганилмоғи керак. Олий таълимдаги тилшунослик курсларида тилнинг энг қулай ифода ва эстетик имконлари очиб берилиши зарур. Шу йўл билан мунтазам инсоний идрок, тил ҳодисаларини тўғри ва холис тушуниш ҳамда тушунтириш малакаси, юксак тил маданияти кўникмалари, теран тил ҳисси шакллантирилмоғи лозим. Ҳар бир бўлажак она тили муаллими муайян бадиий асарни сўз санъати намунаси сифатида таҳлил эта билмоғи, бадиий дидга эга бўлмоғи зарур. Ҳозирда ўқитилаётган «Бадиий матннинг лисоний таҳлили» курси ўз мақсадига йўналтирмоғи шарт. Уни «Лингвистик таҳлил» деб, эга, кесимни излаш билан вақтни беҳуда ўтказмаслик керак.

«Тил — ташқи олам — сўзловчи» шаклидаги учлик тил ҳақидаги ҳар қандай фаннинг чиқиш нуқтаси бўлиши шарт. Ҳар бир фанда миллийлик уфуриб туриши мақсадга мувофиқ. Ҳозирча шундай эмас. Айниқса, «Услубшунослик» (Стилистика) фанида ўзбекча оҳанг ва талқин йўқ ҳисоби.

Олий филологик таълимда «Қардош туркий тиллар» курсини жорий этиш жуда-жуда зарур. Ҳозирга қадар «Қардош халқлар адабиёти» курси ўқитилиб, айтайлик, ўзбек — украин адабий алоқалари бўйича қанчадан-қанча сохта маълумотлар сингдирилди. Лекин қўшниларимиз, илдизи бирлиги азалий ҳақиқат бўлган қозоқ, қирғиз, турк ва бошқа тиллар билан ўзбек тилининг узвий алоқаси ўқитилмади. Худди шунингдек, «Туркий филологияга кириш» курси ҳам ўқитилиши мақсадга мувофиқдир.

**Н. МАҲМУДОВ,**
**Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти декани, профессор.**

## ЎЗБЕК ТИЛИ МУТАХАСИССЛАРИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

# МИЛЛИЙ ЁЗУВ ВА МАСЪУЛИЯТ

«Ўзбек тили» доимий анжуманида халқ таълимининг барча бўғинларида эски ўзбек ёзувини ўқитиш мазмунини янгилаш, такомиллаштириш масалаларига бағишланган алоҳида шўъба фаолият кўрсатади. ЎТДА ташкилий қўмитасига вилоятлардаги эски ўзбек ёзуви ўқитувчиларидан, шу фан мутахассисларидан тезислар юборилган.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши натижасида кўп асрлик маданий меросимиз ноёб дурдоналарини ўрганишга кенг йўл очилди. «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 16-бандини таълим тизимларига татбиқ қилиниши ҳамда ана шу бандга асосан 1991—92 ўқув йилидан бошлаб эски ўзбек ёзуви фанини ўқитиш-ўргатиш таълимининг барча бўғинларида босқичма-босқич олиб бориляпти.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 16-бандини таълим тизимларига жорий этилиши натижасида эски ўзбек ёзуви фанидан ўқув-методик адабиётлар мажмуасини яратиш мақсадида маълум ишлар амалга оширилмоқда. Янги дастур ва дарсликлар билан бирга ўқув-методик қўлланмалар яратиш ишларини жонлантиришни тақозо этади. Умумтаълим мактабларида эски ўзбек ёзуви ва ҳуснихат таълими самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш мақсадида Қозоғистон Республикасининг Сайрам туманида, Фарғона ва Андижон вилоятларининг халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликда илмий — амалий анжуманлар ўтказилди.

Эски ўзбек ёзуви фанининг ўқитилиш аҳволи масалаларига бағишлаб ўтказилган ва режалаштирилган ана шундай кенгашларнинг амалий аҳамияти каттадир. Бинобарин, эски ўзбек ёзуви ўқув фанини мукаммал ўқитишда ҳар бир мактаб эски ўзбек ёзувидан етарли билим ва малакага эга бўлган, қайта тайёрлов курсларидан ўтган она тили ва адабиёт ўқитувчилари, қуйи синфларда эса бошланғич таълимга оид ихтисосга эга бўлган ўқитувчилар билан етарли таъминланган бўлиши керак. Бунинг учун она тили ва адабиёт ўқитувчиларини босқичма-босқич курсларда ўқитиш сифатини яхшилаш ва унинг самарадорлигини ошириш зарур. Айниқса, ҳар бир вилоят, шаҳар малака ошириш институтларида эски ўзбек ёзуви курсларини табақалаштириб ўқитишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки кузатишлар ва курс тингловчилари билан бўлган суҳбат, савол-жавоблардан маълум бўлмоқдаки, курсларга юборилаётган ўқитувчиларнинг билим даражаси ва ихисослиги турлича. Жойларда фаолият кўрсатаётган курслар масаласига мутасадди ўртоқлар жиддий эътибор беришлари ва мунтазам назорат этиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Эски ўзбек ёзуви машғулотларининг кўрсатмали бўлишига эришиш учун, аввало, ҳар бир мактабда эски ўзбек ёзуви кабинетларини барпо этиш шарт ва бу хоналарни зарур кўрсатмали қўлланмалар, техника воситалари билан таъминланишига эришиш лозим. Кўргазмалилик эски ўзбек ёзуви фанини ўқитишнинг асосий воситаси эканлигини ҳисобга олиб, ҳар бир дарс учун камида биттадан кўрсатмали қўлланмадан фойдаланиш керак. Шу мақсадда ҳозирда Ўзбекистон картография фабрикасида «Алифбе сабоқлари» кўрсатмали қўлланмалар мажмуаси чоп этиляпти.

Маълумки, бошланғич синфларда эски ўзбек ёзуви ўқув фани учун ҳафтасига бир соат ажратилган. Бироқ эски ўзбек ёзувида 32 та ҳарф бор. Биз ўқиш ва имлони омухта олиб борганимиздагина кўзлаган мақсадимизга эришишимиз мумкин.

Эски ўзбек ёзуви дарсларида ёзув, хуснихат, ҳаттотлик санъатига катта эътибор бериш зарур. Шунинг учун қуйи синфларда эски ўзбек ёзуви ўқув фани учун 2 соат ажратилиши мақсадга мувофиқдир.

Анжуманда эски ўзбек ёзуви ўқитувчилари М. Қодиров ва М. Ҳакимжоновлар «Алифбе» (3—4-синфлар учун) дарслиги, таълим тизимларида эски ўзбек ёзуви ўқув фанининг ўқитилиши хусусида фикр-мулоҳазалари билан иштирок этадилар. Шунингдек, ҳар бир вилоят халқ таълими бошқармаси ЎТДА ташкилий қўмитаси ва ўқув-методика марказига, юборилаётган талабномасида, албатта, бир нафар эски ўзбек ёзуви ўқитувчиси вакил бўлишига эришиш керак.

**Қ. СУЛТОНОВА,**
**Республика ўқув-методика марказининг етакчи методисти.**

*Мактаб ва экология*

# КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ЗАМИРИДА ТАРБИЯ

Республикамизда экологик тарбияни такомиллаштириш борасида муайян ютуқларга эришаётган мактаблар оз эмас. Шундай илм даргоҳларидан бири Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги «Незахос» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Отабой Матниёзов номли ўрта мактабдир. Шу йил экологик тарбия бўйича вилоят мактаблари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда мазкур илм маскани фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Яқинда биз мактабда бўлиб, унинг директори Арслон Матниёзов билан суҳбатлашдик.

— Маълумки, экологик таълим-тарбия ўқувчиларга берилиши лозим бўлган, табиат билан инсон орасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизимидир. Хусусан, экологик тарбия инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатидир.

Табиатдан тўғри фойдаланишни ташкил этишда барча ишларни мактаб партасидан бошлаш маъқул. Бунинг учун, аввало, илм даргоҳида экологик муҳитни яхшилаш талаб қилинади. Бу борада мактабимизнинг омади келган дейиш мумкин. 624 ўринли янги зиё масканимиз биноси 1991 йил баҳорида ишга туширилган. Унда 417 нафар ўқувчи бир сменада таҳсил олади. Янги мактаб биноси ишга тушган кундан бошлаб унинг атрофини кўкаламзорлаштиришга, обод қилишга киришдик. Мактабимизда 0,7 гектар ер майдони бўлиб, унга турли мевали дарахт кўчатлари экилди. Бундан ташқари оталиқ ташкилоти — «Незахос» жамоа хўжалиги кўчат экиш учун 1 гектар ер майдони берди. Биз шу майдонга 1000 туп олма, 200 туп гилос, 100 туп ўрик, 150 туп нок, 100 тупдан зиёд ток кўчатларини ўтқаздик. Баҳорда ер ости сувларининг кўтарилиши натижасида кўчатларнинг бир қисми зарарланди. Шунинг учун экологик муҳитни яхшилаш мақсадида кузда 600 метрдан кўпроқ ерда зовур қазилди. Баҳорда 0,2 гектар ерга тут уруғи экилганди. Ҳозир эса 35—37 минг тупга яқин кўчатимиз бор. Ўтган йили кузда 150 туп анор, 150 туп анжир, 200 туп ток қаламчалари тайёрлаб қўйилди. Бундан ташқари, зовур бўйларида 100 туп жийда, 1000 туп оқ терак, 100 туп гужум ўстирилмоқда. Мактабимизда «Табиат бурчаги» ташкил этилган. Унда балиқ ва қушлар боқилиб, гуллар ўстирилмоқда. Каримбой Нуржонов раҳбарлигида «Ёш табиатшунослар» тўгараги фаолият кўрсатяпти.

Мактабимизда «Экологлар клуби»ни ташкил қилиш ва унинг ишини яхшилашда биринчи тоифали биология ўқитувчиси, касаба уюшмаси раиси Тожибой Жонибековнинг ҳиссаси салмоқлидир. Клубнинг ўз низоми мавжуд.

Экологик таълим-тарбияни яхшилашга илмий бўлим мудири Султонбой Қодиров, ўқитувчилардан Норжон Отабоева, Гавҳар Ҳусанова, Отаназар Саъдуллаев, Султонбой Саъдуллаев, Норжон Қурёзова, Олимбой Исмоиловлар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, экологик тарбияни ва, умуман, таълим-тарбия сифатини оширишда моддий негизнинг мустаҳкамлиги муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан масаланинг бу жиҳатига жиддий аҳамият бериб, ишларни омилкорлик, тадбиркорлик билан олиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Баҳор келиши билан кўкаламзорлаштириш ишлари авж олдириб юборилди. Мақсадимиз экилган кўчатларни яхши парваришлаб, ширин-шакар мевалар етиштиришга, эл-юрт дастурхони тўкин бўлишига ҳисса қўшишдир.

**Ғ. ЕҚУБОВ.**
**Ўз мухбиримиз.**

